

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 72 (6. 561)

© 1988 йил 29 март, сешанба

Баҳоси 4 тийини.



Меҳнат самараси

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида фахрий тамга туширилган маҳсулотларнинг тури 30 дан ортиб кетди. Корхона меҳнатчилари йил бошида Бутуниттифок XIX партия конференцияси шарафига юксак социалистик мажбурият қабул қилгандилар. Унда ишлаб чиқаришнинг барча соҳасида юқори натижаларга эришиш билан биргаликда маҳсулотнинг хариддорлигини ошириш ҳам кўзда тутилганди. Шу мақсадда мажбуриятнинг асосий бандларидан бирида корхонада «Янгилан» индекси билан тайёрланадиган трикотаж буюмларнинг умумий асортиментини 25 процентдан ошириш ва асоси қайд этилганди.

Тикувчилар ва тукувчилар ваъдани ама-

лий иш билан мустахкамлаш учун зарбдорона ишлармоқдалар. Улар сиёсий нормасини ошириб бажариш билан бирга маҳсулот сифати ҳам катта эътибор бериш-япти.

Модельерлар эса маҳсулотларнинг янги турларини талабчан хариддорлар ҳукмига ҳавола этиш борасида қўл билан изланмоқдалар.

Шунинг эвазига Марказий унверсам, «Мода» ва «Перспектива» магазинлари пештахталарида кўпчиликнинг талабига мувофиқ тайёрланган замонавий кийим турлари қўлайиб бормоқда.

Йил бошидан бери корхона чеварлари савдо шаҳобчаларига 2,5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот етказиб бердилар.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Оддий одам — бир олам

Бунга оддий воқеа туртки бўлди. Ҳамкасбаримиздан бири корхонанинг «каттаси» ҳақида китоб ёзаётганини айтиди. «Оддий одамлар ҳақида ёзмайсизми?» — деган саволига кулиб «соддасиз-да» деб қўйди. «Мураккаб» ҳамкасбимнинг қувонч узоққа бормасди. «Асар» битай деб қолганда ўша «катта» сунистеъмоллари учун вазифасидан четлаштирилди. Ошнамиз чуқунама пешанасига урадики, ҳанузгача бефойда оқиб кетган меҳнатига қираги туз сепгандай ачишади...

Анна Стоякина билан учрашганимизда ана шу воқеа беихтиёр ёдимизга тушди. У мана, ўн йилдан ошдики, ер юзидаги энг олий касб — оддий ишчи касбини шарафлаб келяпти. Бу йиллар унга ўрганиш, тажриба ортириш, камолот йиллари бўлди.

Вафлилик конфетлар байрам зиёфатларининг, тўғашамларимизнинг, меҳмонларга тўзган дастурхонларимизнинг кўки ҳисобланади. Анна Стоякина конфетлар тайёрлаш пехида меҳнат қилади.

Халқимизда одамнинг сўзига эмас, ишига боқ, деган нақл бор. Вафли линиясида ширин-шакар қандолатлар ишлаб чиқараётган бу қўли гул ишчиларга ҳозир А. Стоякина бош-қош... Бирини бирдан мазали ширинликлар тайёрлаётган қиз-жувонларга бригадирлик қил-япти. Бу ердаги ҳамма нарсаси ширин: тайёрланаётган қандолатлар ҳам, ишчиларнинг бир-бирига муомалалари ҳам, уларнинг сўзлари ҳам!

Иккита машина қўл меҳнатини механизациялаш имконини берапти: хотин-қизлар меҳнатини анча енгиллаштиряпти. Бу машиналарнинг ўрнатилганига бир неча йиллар бўлди. Бугунги кунда эса «Уртоқ» кондитер фабрикасининг пех ва участкаларидаги дастурхонлар янгилиниб бормоқда. Ҳозир меҳнат ветерани тарбиялаб воёта етказган ўнлаб шогирдлари у билан бир сафда ишляпяти.

Ҳали республикамизда ширинликлар ишлаб чиқаришга эҳтиёж катталигини биламиз, фабрикамиз раҳбарлари олдида катта талаблар қўйляпти, — дейди Анна Стоякина, — касбиямиз оддий. Аммо ҳар бир оила дастурхонига фойза киритаётганимиз билан фахрланамиз!

Ҳа, оддий касб — олий касб, оддий одам — бир олам, деб бежиз айтишмаган. Оддий меҳнат ветерани ўз касбининг унвонига қўл қўйган йўл, Бутуниттифок корхона-нинг энг иззат-қиромига сазовор, пешқадам аёллардан биридир. Ҳа, уларини ҳар қачна эъзозласак арзийди. Ҳамкасбиямиз бу борада адашмагани маъқул!

Х. ИКРОМОВ.

СУРАТДА: Анна Стоякина.

Т. Каримов фотоси.

10 апрелда коммунистлик шанбалик утказилади

Тиғиз график асосида

Тошкентдаги «Подъёмник» заводи ишчилари коммунистлик шанбалик кунни пландан ташқари битта электр кран ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Тузиллиш жаҳатидан мураккаб бўлган ва қиммат турадиган бу крани тейжалган материаллардан тайёрлаш мўлжалланган.

Корхона коллективи беш йилликнинг унинг йилида бир маромда ишламоқда. Бу ерда йил бошида юксак суръат билан ишламоқдалар, янги кран штабелерлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларга эҳтиёж жуда катта. С. Туринцев, А. Жўраев ва В. Кончаков бошқараётган бригадалар ишлаб чиқаришда ахши кўр-

сткчиларга эришмоқда. Худди шу бригадалар 16 апрелда икки сменали нормани бажариш учун меҳнат мисобакаси ташаббусори бўлдилар. «Подъёмник» коллективи беш йиллик фойдага қўнлик иш ҳақини утқадан бир қисmini ўтказди.

Беш йиллик фойдига

Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонт заводи коллективи дохйимиз В. И. Ленин туғилган куннинг 118 йиллигига бағишлаб москваликларнинг коммунистлик шанбалик ўтказиш юзасидан бошлаган қимматли ташаббусига қўшилиб шанбалик шарафига 60 минг сўмлик товар маҳсулотини ишлаб чиқаришга аҳд қилишди. Улар беш

йиллик фойдага ўз иш ҳақларидан 4 минг сўмининг ўтказишди.

Шанбалик кунни ҳар вақтдан юқориқор меҳнат унумлидорлигига эришишга аҳд қилган ташаббускорлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Улар қаторида экскаватор ремонт заводи коллективи слесари Владимир Бричев, металл-конструкциялар участ-

А. М. ГОРЬКИЙ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНАДИ

28 март кунини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида улуғ пролетар ёзувчиси А. М. Горький туғилган кунининг 120 йиллигига бағишланган юбилей илмий сессияси бўлди. Унда республиканинг кўзга кўринган адабиётшунос олимлари қатнашдилар. Сўзга чиққан нотиқлар социалистик реализм асосчи-

си ижодиётининг асосий босқичлари ҳақида, унинг ўзбек адабиётига катта ҳовий ва бадиий таъсири ҳусусида гапирдилар. А. М. Горький фаолияти ва йигирманчи йиллар бошларида совет адабиётида инсонпарварлик муаммолари, ёзувчи асарларининг ўзбек тилидаги таржималарига оид масалалар муҳокама қилинди.

КЎП НУСХАДА

«Ўзбекистон» нашриёти «В. И. Ленин, КПСС миллатчилиги қарши кураш тўғрисида: ҳужжатлар ва материаллар» китобини ўзбек тилида босмадан чиқарди. Китоб кўп нусхада нашр этилди.

(ЎЗАТ).

Ҳам асал, ҳам захар

Американин Тошкентдаги туғилган ғуламасига доир

Кимга қандай, лекин менга «АҚШ ҳаётида информатика» выставкаси ёқди.

Компьютерлаш соҳасида улар биздан ўзб кетишган, албатта. Лекин, масалан, шу мақола выставкадагига ўхшаш дисплейда ёзилмоқда. Ёзиб бўлиб, кнопокани босса, мақола бир лаҳзада редакциянинг электрон ҳисоб машинаси орқали бир йўла ўнлаб газеталарга етиб боради. Бизнинг дисплейлар ҳам, ЭКМнинг ўзи ҳам СССРда ёки қардош социалистик мамлакатларда ишлаб чиқарилган.

Биз педагогикага, медицинага, турмушга ЭКМни теярқож ўтасик саз бўлур эди. Кўпроқ шахсий компьютерлар, программалар, видеоотеминаллар, турли ахборот системалари керак. Уларга америкаликлар қайи болалиқдан кўникаверишсин. Бунинг учун техника тараққиётини жадаллаштириш лозим, экономикани қайта қуриш ҳам мана шунга қаратилган.

Тошкентдаги выставкани салкам 250 минг киши келиб кўрди, бу ерда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари бўлдилар. Агар мазкур экспозициянинг СССРда иш бошлагани пайтидан буйи ҳисобланадиган бўлса, америкалик меҳмонлар айти бизнинг пойтахтимизда миллионини томошабинни таъбирладилар. Бизга ҳақиқатан ҳам кўп қизиқарли нарсаларни кўрсатишди. Бунда бир «лекин» борки уни ҳисобга олмаганда биз АҚШ ҳаётидаги информатика тўғрисида тасаввур ҳосил қилдик. Ҳам-тавишини билмай, ра-

нақ топаётган жамиятнинг ошқорла прогадандадан иборат образини ташвиқ қилиш ана шу «лекин» эди. Бунга тушуниш ҳам бўлади: ўзларининг социал инсталляциялар намойиш қилиш учун СССРга келишмаганда. Муваффақиятлар остида томошабинларни кўрсатилганлиги яхши. Информатиканинг дастлабки курткалари — эски «Ундервуд» машинкаси, телефон аппарати, арифмометрга ҳурмат билан назар ташлашсан, киши. Булар ҳам ўзга ҳақ, океанининг нариги томонида бундагидега келган. Буюк инженерлар: Белл (телефон), Мергенталер (линотип), Морзе (телеграф), ниҳоят, шонли номи бутун инсониятга танил бўлган Эдисоннинг портретларини кўрамиз.

Выставка олис мамлакатнинг турмуши билангина таништириб қолгани йўқ. У бошқа бир муҳим вазифага: душман образини ўлтимда қолдириш, уни қўшни образи билан алмаштириш вазифасига ҳам хизмат қилди. Шу қўшни билан ё бирга ҳаёт кечирилган ёки атом алаңасида биргаликда нобуд бўлинадиган. Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжа-ўқи утқуларини выставкасида

америкаликларга ажратилган павильон бутун дунё КПСС Марказий Комитети Бош секретари билан АҚШ Президентининг бўлажак Москва учрашувидан дарак топан бир пайда халқларимизни бир-бирига яқинлаштириш манфаатлари йўлида умуман чаққи ишламади, деб ўйлаймиз.

Стендлар олди гавжум, саволлар дўлдай ёғилиб турди, яхши тайёрланган гидлар билан жонли мулоқотлар, ҳатто баҳслар ҳам бўлди... Тўғри, гидларнинг баъзилари ҳатто ҳаддан ташқари яхши тайёрланган кўринади. Шуниси ранжитди — бизларни ким, деб ўйлашяпти.

Масалан, Жорж Ковачини олиб кўрайлик. Ажабланган томошабинлар неча марта лаб выставка дирекциясига киришди: гид компьютерларни тушунамас экан, уларни кўрсатиш учун локал расмий равишда бўлса ҳам ҳақ олишадигу, олди саволларга жавоб қайтара олмайди, қолверса жавоб қайтаришни унча истамайди ҳам. Унга ажабланмаса ҳам бўлади: унинг касби театр режиссери. Информатика бўйича мутахассис Жорждан симсиз телефонлар тўғрисида

сўраган эди, бунга жавобан: «да йўқ... Яна бир усулни вақтим йўқ, шоядтаган бўл-патдилар: улар компьютер сангиз, бошқа экспонатлар ол-стини қандай босаётганилигидега борики, деган гапни кўрсатиб, меҳмонга тарғи-заштидик. Ковач банд эди: қан- мазмундагига варақа топ-дайди бир йилгига «Афгонис-ридалар. Тонга совет агрессияси» хусу-изга бўлган бундай ҳурмат-сида гап уқтирейтганди. Тош-ажаксини айрим гидлар билан кизикқан эди, аммо Кор-орда келтирилган факт-ҳақида менга томошабин-ва бизнинг фотомуҳбири-сўзлаб берди. Мана улар-дан алоқа институтининг до-уларни АҚШда ёллаган-центри шахсий компьютерлар ҳам намойиш этидилар.

Бизнинг кизикқан эди, аммо Кор-орда келтирилган факт-ҳақида менга томошабин-ва бизнинг фотомуҳбири-сўзлаб берди. Мана улар-дан алоқа институтининг до-уларни АҚШда ёллаган-центри шахсий компьютерлар ҳам намойиш этидилар.

«Крейслер» ёнида туриб, ҳам-жиҳатликка қўмақлашмоқда. Ундан: сизлар шундай маши-наларни бизга экспорт қила-сизларми, деб сўрашадди. Йўқ, дейди у, экспорт қилмаймиз, ахир сиз ҳеч нима сотиб ол-майсизку, бунинг учун валю-тангиз ҳам йўқ.

Бу қанақаси бўлди, деб ўй-лаб қолдим. Профессор бўла-ётган, уларнинг ўзлари ўз фирмаларига кўнган машина ва товарларни бизга сотишни тақиблаб қўйишганини билмас экан. Профессор эди иккин-чи саволга жавоб бермоқда. Мен, ҳарқалай, Марксни ўз юртимда ўрганганман. Сизнинг университетингизда эса капи-тализмни ўрганишининг илми-йўқ. Унга бир аёл савол бер-ди: нега энди, ахир бизда ку-тубхоналар...

«АҚШ ҳаётида информати-ка» экспозицияси мамлакатимиз бўйлаб бошқа томонга — Иркутск, Магнитогорск, Ленинград, Минск шаҳарларига йўл олади. Америкалик меҳ-монларни юз минглаб совет кишилари билан янги-янги уч-рашувлар кутмоқда. Уларга умумий фаворонлик йўлида муваффақиятлар тилаймиз. Ўзбекистонда айтиш удув бў-либ қолганидек, — Оқ йўл, сизларга!

Мен шу захоти у билан сўх-батлашиб турган одамлардан интервью ола бошладим. В. Хасанов: «Биз унга ёқмаймиз ва бунинг ўзи ҳам янраётгани йўқ. Шундай экан, ана шунанга мезбонликда меҳмон бў-лиш кўнглилимизми?»

Ф. Уваркин: «Эрим соатдан бери айлиб юрибман компьютерлар ҳақида бирор оғиз гап йўқ. Бошдан оёқ сисибозилим. О. Юдес: «Биз гид Пол Илинскини Советларга қарши кўнганга сўзларни эшитдик». М. Мори-лева: «У сизлар билан бирон-та ҳам тинчлик битимига эри-шиб бўлмайди, деб айтди. Ахир, бу гирт афсон-ку...»

Эхтимол у профессордир, лекин қанақа профессор экан? Майли, уни бир четга қўйиб турайлик. Умуман, выставка кизикарли. Биз улуғ мамлакат тўғрисида, унда ях-ши нарсалар ҳам, ёмон нарсалар ҳам борлиги ҳақида би-либ олдик. Бундан яхши ният билан бошқа халқ ҳузурига келганда қанақа ишлаш керак-лигини ва ўзини қандай ту-тиш лозимлигини ўрганиш мумкин.

«АҚШ ҳаётида информати-ка» экспозицияси мамлакатимиз бўйлаб бошқа томонга — Иркутск, Магнитогорск, Ленинград, Минск шаҳарларига йўл олади. Америкалик меҳ-монларни юз минглаб совет кишилари билан янги-янги уч-рашувлар кутмоқда. Уларга умумий фаворонлик йўлида муваффақиятлар тилаймиз. Ўзбекистонда айтиш удув бў-либ қолганидек, — Оқ йўл, сизларга!

Ю. КРУЖИЛИН, [ЎЗАТ муҳбири].



О ЖАР МАЪМУРЛАРИ ҚЎШНИ БОТСАНАГА ҚАРШИ БОСКИЧЛИК КУКУМИНИ АМАЛГА ОШИР-ДИЛАР.

Ботана матабуот агентли-гининг хабар беришига қара-ганда, бир гуруҳ Жанубий Африка командантослари ав-томатик республика пой-тахти чеккасида жойлашган Габоронеда бостириб кириб, ўққа тутишган, сўнгра турар жой биносини ёндириб юбо-ришган. Дастлабки маълумот-ларга кўра Ботсвананинг беш граждани ҳалок бўлган. «Маз-кур жимийи ҳаракат учун ЖАР армияси жабобгар экан-лигига ҳеч шубҳа йўқ», — деди Ботсвана муҳофаза ку-чларининг қўмондони Моле-ти Мерафе.

Багладеш президенти Х. М. Эршод ҳукуматининг янги кабинетини тасдиқлади, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Моудуд Аҳмад мамлакат бosh министри этиб тайинланган. Багладешнинг аввалги ҳукумати 30 министр-дан иборат бўлиб, ўтган яқ-шанба кунини тарқатиб юбо-рилган эди.

Бағдод. Расмий ҳарбий вақилиннг хабар беришича, яқинда кунин Ироқ Техрон ва Исфохонга қарата тўртта ракета отган. Бағдодин Ироқ ракеталар билан ўққа тути-ши натижасида бир нечта уй-қойи ваёрон бўлган, аҳоли орасида қурбонлар ва жахон қаратилганлар бор.

НИКОСИЯ. Ира агент-лигининг хабар беришича қара-ганда, яқинда кунин Эрон Бағдодаг иккита ракета от-ган. «Ер-ёқ» классигидаги ик-кита тактик ракета Басранинг иктисодий объектларига отил-ган. Агентлигининг таъкидла-шича, Эрон шаҳарларини ра-кеталар билан ўққа тутиш на-тижасида кейинги ой мобай-нида 700 киши ҳалок бўлган, 1400 киши жароҳатланган.

Паникоб штатда бебош-лик қилганлик сикс сепарат-чилик навибатдаги жиноятни содир этдилар, деб хабар беради Франс Пресс агент-лиги.

Утган яқинда кунин улар 14 кишини ўлдирдилар. Шун-дай қилиб, йил бошидан бе-ри Паникобадаги сикс экстре-мистлар қўруқчиларининг жа-ми сонин 533 кишига етди.

Бельгияликлар қиролни Бодуэн фламанд христиан демократларининг раҳбарла-ридан бири Ж. Л. Деанга мамлакат ҳукуматини тузи-шни тақлиф этиб, мурожаат қилди, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Қиролнинг тақлифи қабул қилинган.

[ТАСС ва марказий матбу-от саҳифаларидан].

